

83
H-31 ✓

К. НАСЫРОВ

Эркин ВОҲИДОВ

САМАРҚАНД КЕЧАСИ

Мужажжсим тасбеҳидан тўқилган донлардек,

Осмон узра сочилиб яркирайди юлдузлар,

Ой шайму теғрасида учган парвоналардек,

То саҳар жавлон уриб партирайди юлдузлар.

Теория и практика перевода

НОЧЬ В САМАРКАНДЕ

Словно зерна в четках звездочета,

светятся во тьме небесной звезды.

Полумесяц, вычерченный четко,

собирает вокруг себя их грозди.

Перевод Р. КАЗАКОВОЙ.


Кадыржон Насыров

ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА ПЕРЕВОДА

Сборник текстов для сравнительного анализа

**Учебно-методическое пособие для
преподавателей и студентов**

Наманган - 2008



Рецензент: А.К.Кучибаев, доцент кафедры теории
и практики перевода СамГИИЯ.

Рекомендовано к печати решением учебно-методического совета
НамГУ от 9.11.2007г. (протокол №3)

Настоящее пособие предназначено преподавателям и студентам, изучающим курс «Теория и практика перевода», предусмотренный учебным планом для направления образования бакалавриата 5220100-Славянская филология, и включает в себя тексты для сравнительного анализа (на узбекском и русском языках), сгруппированные по стилиевой и жанровой принадлежности.

Пособие может быть использовано и при изучении курсов «Теория и практика перевода художественного текста» и «Сравнительное литературоведение» по специальности магистратуры 5А 220101 - Литературоведение.

К. Насыров

НГ $\frac{694-1622,5-1337600}{695-6,0(02)-08}$ 2008 г.

ISBN-978-9943-344-39-6.

СОДЕРЖАНИЕ

I. Методические рекомендации с лирическим вступлением.....	7
II. Официальные, публицистические, газетно-информационные, научно-популярные тексты.....	16
1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарори "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилар сайлови тўғрисида"	16
2. Постановление Кенгаша Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан "О выборах председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников".....	17
3. Партнеры малого бизнеса.....	18
4. Мини банклар - кичик бизнес ҳамкори.....	19
5. О.Шатуновский. Заседание Совета антитеррористической структуры.....	24
6. О.Шатуновский. Аксилтеррор тузилма Кенгашининг мажлиси.....	25
7. А.Иванова, А.Каршиев. Демократические процессы и их развитие.....	26
8. А.Иванова, А.Қаршиев. Демократик жараёнлар ва уларнинг ривож.....	27
9. Ҳ.Салимов. Марказнинг янги биноси.....	30
10. Х. Салимов. Новое здание центра.....	31
11. А. Ҳайитметов. Тафаккур достони.....	30
12. А.Ҳайитметов. Поэма Алишера Навои "Смятение праведных".....	31
13. Қ.Носиров. Важное событие в жизни республики.....	34
14. Қ.Насиров. Республика ҳаётидаги муҳим воқеа.....	35
III. Художественные тексты.....	40
15. М.Горький. Старуха Изергиль (отрывок из рассказа).....	40
16. М.Горький. Изергиль Кампир (ҳикоядан парча) М.Исмоилий таржимаси.....	41
17. Честерфилд. Из "Писем к сыну".....	42
18. Честерфилд. "Фарзандга мактублар"дан. Қ.Носиров таржимаси.....	43
19. Тўлқин. Тоғ лоласи (ҳикоядан парча).....	44
20. Тулқун. Горный тюльпан (отрывок из рассказа). Перевод Н.Красильникова	45

21. Ойбек. Навоий (романдан парча).....	46
22. Айбек. Навои (отрывок из романа). Перевод М.Салье.....	47
23. М.Ю.Лермонтов. Демон (отрывок из поэмы).....	52
24. М.Ю.Лермонтов. Демон (поэмадан парча). Усмон Носир таржимаси.....	53
25. А.Ахматова. Сероглазый король.....	54
26. А.Ахматова. Куй кўз қирол. Хуршид Даврон таржимаси.....	55
27. А.Барто. Буква "Р".....	54
28. А.Барто. "Р" ҳарфи. Т. Адашбоев таржимаси.....	55
29. А.Навоий. Ҳолами тойи ҳикояти. "Ҳайратул аброр"дан.....	56
30. А.Навоий. Ҳолами тойи ҳикояти. "Ҳайратул аброр"дан. Насрий баён муаллифи А.Ҳайитметов.....	58
31. А.Навои. Рассказ О Хотаме Тайском. Из поэмы "Смятение праведных". Перевод В.Державина.....	57
32. А.Навои. Рассказ О Хотаме Тайском. Из поэмы "Смятение пра- ведных" Прозаическое переложение Х.Исмаилова.....	59
33. Э.Воҳидов. Самарқанд кечаси.....	60
34. Э.Вахидов. Ночь в Самарканде.Перевод А.Налбандяна.....	61
35. Э.Вахидов. Ночь в Самарканде. Перевод Р.Казаковой.....	63
36. А.Орипов. Қанот.....	64
37. А.Арипов. Крылья. Перевод Н.Гребнева.....	65
38. А.Орипов. Паҳлавон Маҳмуд қабри қошида.....	64
39. А.Арипов. У могилы Пахлавана-Махмуда. Перевод Н.Гребнева.....	65
40. А.Орипов. Ўзбекистон (қасидадан парча).....	64
41. А. Арипов. Узбекистан (отрывок из оды). Перевод А.Иванова.....	65
42. Б.Бойқобилов. Нотинч Хуросон (достондан парча).....	66
43. Б.Байжабулов. Тревожный Хорасан (отрывок из дастана). Авторизованный перевод Г.Регистана.....	67
44. А.С.Пушкин. Борис Годунов (отрывок из трагедии).....	76
45. А.С.Пушкин. Борис Годунов (трагедиядан парча). Зулфия таҳририда.....	77

I. Методические рекомендации с лирическим вступлением

Настоящее издание рекомендуется в качестве пособия к изучению курса "Теория и практика перевода" по специальности "Славянская филология" в университетах, а также аналогичной дисциплины по программе педагогических институтов и содержит тексты для сравнительного анализа (на русском и узбекском языках).

Пособие составлено в помощь, прежде всего, преподавателю. Тексты в нем сгруппированы по стилевой и жанровой принадлежности: общественно-политические, газетно-информационные, научные, научно-популярные, публицистические и художественные. Последние представлены во всех трех литературных родах.

В процессе изучения курса, при раскрытии лексико-фразеологических, грамматических, стилистических и жанровых особенностей перевода (художественного перевода в том числе), исходя из конкретных методических задач в связи с рассмотрением той или иной программной темы, преподаватель имеет возможность по своему усмотрению использовать предлагаемый материал прежде всего на лекционных, а также и на практических занятиях. Чтобы не сковывать, не регламентировать поле деятельности преподавателя, тексты сборника не снабжены методическим аппаратом (комментарии, задания и словари) по отдельности, а ограничиваемся данными общими указаниями.

Предлагаемый в сборнике материал дает возможность преподавателю не только иллюстрировать особенности перевода текстов той или иной стилевой группы, но и раскрыть мастерство переводчика, подметить его просчеты.

При подборе текстов, наряду с познавательными, в данном случае в области переводоведения, естественно преследовались и воспитательные цели. Вошедшие в сборник общественно-политические, научно-популярные, публицистические тексты, художественные произведения (или отрывки из них) классиков мировой, русской и узбекской литератур, а также известных современных писателей являются хорошим материалом для

воспитания молодежи на идеях гуманизма, высокой нравственности, патриотизма и героизма, а также для углубления эстетических познаний.

Следует также заметить, что предлагаемый материал пополняет представление студентов не только о русской и узбекской культурах, литературах, но и о фактах взаимовлияния между ними.

В разделе общественно-политической литературы имеются тексты, непосредственно связанные с сегодняшним днем нашей страны, с ее буднями и заботами.

Переводы отдельных произведений даны в вариантах. Это поможет обогатить представление студентов о мастерстве переводчика и разновидностях перевода.

Материал сборника можно использовать также и на практических занятиях, и при организации самостоятельной работы студентов. На материале сборника студенты могут вести учебно-исследовательские и научно-исследовательские наблюдения и оформлять их в виде докладов на научно-практическую конференцию или статей для соответствующих изданий.

Следующие типовые вопросы и задания к текстам, думается, помогут преподавателям и студентам при использовании предлагаемых текстов.

1. Внимательно прочтите выбранные вами тексты для сравнения и обратите внимание на следующее:

1.1. В какой мере воссоздано в переводе содержание оригинала?

1.2. Смог ли переводчик воссоздать все формальные особенности оригинала?

1.3. Встречаются ли в оригинале и переводе схожие стилистические средства?

1.4. Правильно ли переданы в переводе имена собственные и географические названия?

1.5. Имеются ли в сравниваемых текстах слова-реалии и слова, обозначающие понятия общественной жизни, и как они передаются на языке перевода?

1.6. Какая интернациональная лексика встречается в сравниваемых текстах, и каким изменениям подвергнуты они в языке перевода?

1.7. Какие способы перевода крылатых выражений, фразеологизмов, пословиц и поговорок встречаются чаще всего в анализируемых текстах?

1.8. Какие типические ошибки встречаются при переводе различных художественно-выразительных средств языка?

2. Предложите свои варианты правильного перевода взамен неудачных в сравниваемых текстах.

3. Найдите и выпишите фразеологические эквиваленты в обоих текстах.

4. Сопоставьте поэтическое и прозаическое переложения одного и того же произведения и определите преимущество и недостатки этих способов перевода; укажите на назначение прозаических переложений.

5. Если вы обнаружили в поэтическом переводе отклонения от структуры оригинала, попытайтесь выяснить:

5.1. Вынужденное ли отклонение или это следствие небрежного отношения к оригиналу?

5.2. Наносит ли ущерб (и в какой мере) такое отклонение, иначе говоря, искажение формы, содержанию оригинала?

Существует мнение о том, что узбекской литературе XX века не повезло с переводчиками на русский язык, вследствие чего даже такие замечательные наши мастера поэтического слова как Э.Вохидов, А.Орипов не прозвучали должным образом на русском языке, а через него и на других языках, поскольку русский язык является языком-посредником как при переводе с иностранных на наш язык, так и обратно. Не зря появилось, видимо, и стихотворение Э.Вохидова "Кузатиш" ("Проводы"), обращенное к переводчику с мольбой обходиться "повежливей" с его поэтическим дитятею. Думая, что данное произведение может послужить хорошим "указательным знаком" для начинающих переводчиков. Прилагаем его вместе с переводом на русский язык методическим рекомендациям.

КУЗАТИШ

Шеърларим, болажонларим,
 Қора-қура полапонларим,
 Жо қилайин сизни жонимга,
 Чуғурлашиб келинг ёнимга.
 Эгнингизга қарайин бу кун,
 Сизни ювиб-тарайин бу кун.
 Отлангирай олис сафарга,
 Олисдаги ойдин шаҳарга.
 Етар энди таралла-бедод,
 Етар энди кўча чангитмоқ.
 Қилинг энди фикрингизни жам,
 Фурсат етди куюлмоққа ҳам.
 Эртангизни ўйлайин энди,
 Таҳсил учун йўллайин энди.
 Сизга бериб тарбия, таълим,
 Тил ўргатсин доно муаллим.

Шеърларим, полапонларим,
 Чағир-чуғур қақажонларим,
 Уст-бошингиз тузатарканман,
 Олис юртга кузатарканман,
 Сизга боққан ёшли кўзим бор,
 Йўл олдидан айтар сўзим бор:
 Сизга бердим умримни барча,
 Ҳар бирингиз дилимдан парча.
 Ардоқладим ҳар бирингизни,
 Меҳрим бериб ўстирдим сизни.
 Гоҳ эркалаб, гоҳ қийнаб, лекин
 Турғизолдим оёққа секин.
 Сал тўпори, бир оз бебошроқ,
 Лек ўсдингиз ёлғондан йироқ.
 Қўмганим йўқ сизни зийнатга,
 Ошно қилдим самимиятга.
 Ёқавайрон, бетарош, пахмоқ,
 Лекин бўлди юрагингиз оқ.
 Ўргатолдим озроқ илмга,
 Тил ўргатдим - она тилимга.

ПРОВОДЫ

Ах, вы строки мои,
 Ах, вы дети мои,
 Ах, чумазные птенчики, крохи мои,
 Соберу я вас в сердце моем, соберу,
 Где всегда вы, резвясь, затевали игру.
 Дайте вас приберу, приодену я вас
 Потеплей, поскромней -
 От завистливых глаз,
 В дальний путь соберу, далеко соберу,
 Где не степь и не горы,
 Где город в бору -
 Лунный город в бору, на ветру, на юру.
 Дайте вас приберу,
 В дальний путь соберу.
 Хватит вам на миру босоногим шалить -
 По тропинкам юлить,
 По дорогам пылить,
 Без забот и хлопот, без мучительных дум -
 Время взяться за ум,
 Время взяться за ум.
 Там за дальнею далью в лесной стороне.
 Вам придется подумать о завтрашнем дне.
 Познакомиться с миром, что вам незнаком.
 И другим, как своим,
 Овладеть языком.
 Ах, вы были мои, необычки мои,
 Тараторушки, птенчики, птички мои,
 Приласкаю я вас, приодену я вас
 Потеплей, поскромней -
 От завистливых глаз,
 В дальний путь соберу,
 В дальний путь провожу -
 Сквозь счастливые слезы вослед погляжу.
 Перед дальней дорогой хочу вам сказать:
 Нас теснее, чем связаны мы, не связать:
 Плоть от плоти - мои! -
 В ваших жилочках кровь
 Этой жизни, что всю вам скормила любовь.
 Пусть я с каждым из вас был неласков порой,
 Пусть не каждый удачлив, не каждый герой,
 Пусть не каждый изящен, случалось - и груб,
 Только ложь не слетала с младенческих губ,
 Не изедена кривдой свободная речь,
 Пусть один длинноват,
 А другой небольшой,
 Но здоровые телом

Сизга халқим урфу одатин
Таништирдим, сингдирдим кам-кам -
Токи қилинг элнинг хизматин
Туғларда ҳам, маърақада ҳам.
Очиқ кунгил ва дилбар бўлинг,
Шоҳ, гадога баробар бўлинг.
Бошингизга келса ҳам қилич,
Қайтманг, дедим, ҳақиқатдан ҳеч.

Шеърларим, болажонларим,
Сержанжал, сертўполонларим,
Сизни йўллаб ҳаёт йўлига,
Қардошимнинг берай қўлига.
Ул қардошнинг исми таржимон,
Унга аён ошқору ниҳон.
Фикри эпчил, чаққон қўллари,
Сизни бошлаб кенгликлар сари
Ўз тилида сўзлатур бийрон.
Бугун сизга яна бир қараб,
Ўсиқ паҳмоқ сочингиз тараб,
Юрак тўла ҳаяжонларим,
Хайр дейман, жонажонларим.
Омон бориб, қайтинг саломат,
Лекин дўстим олдида фақат
Уялтирманг, болажонларим!

Тийрак бўлинг, озода бўлинг,
Камтар бўлинг ва содда бўлинг.
Бўлсангиз ҳам оташ ва олов,
Бўлманг ортиқ саркаш ва асов.
Қийнамангиз уни мендайин,
Қочиб юрманг, тутқич бермайин.
Сиз дўстимга қулоқ солингиз,
Тил ўрганиб, таълим олингиз.
Не истаса, йўқ деманг асло,
Фақат ўзни унутманг аммо,
Менинг шеърим бўлиб қолингиз.
Ўзга рухга берилиб кетманг,
Тил билдим деб керилиб кетманг.
Ёдингизда бўлсин бул замин,

И с чистой душой,
Вы с учением в ладу,
С увлечением забав
Да с родным языком на веселых зубах,
Да с народом - с обрядом его! - потому
Хоть на свадьбах ему,
Хоть на тризнах ему
Вы готовы служить,
Вы готовы служить -
В поле голову с честью за правду сложить.
Перед силой злой не склонив головы,
Будьте добрыми вы,
Будьте нежными вы,
Будьте твердыми вы, как булат, нипочем
Не клоня головы под неправым мечом.
Тараторушки, птенчики, птички мои;
Ах, вы были мои, необычки мои,
Приласкаю я вас, приодену я вас
Потеплей, поскромней -
От завистливых глаз,
В дальний путь соберу,
В дальний путь провожу -
Сквозь счастливые слезы вослед погляжу.
В той земле, что за лесом, в нездешнем краю,
Где я в руки далекие вас отдаю,
Где учитель с пером, как с указкой, в руке
Вас однажды прочтет на другом языке,
Будьте зоркими, детушки, звонкими с ним,
Будьте сильные духом, душою чисты -
Не теряя высот,
Не боясь высоты,
А когда разыграетесь ярче огня,
Не упрямитесь, не мучьте его, как меня.
Будьте с ним и при нем, не теряясь из глаз.
Чтоб вживаться, вращать в перевод, в пересказ.
Быть как дома в строке на чужом языке,
С багажом, налегке -
От меня вдалеке.
Только знайте - иначе добру не бывать! -
Что не должно при том обо мне забывать,
Что не должно при том о себе забывать,
Но предложенной форме свой смысл предавать,
Чтоб из тонкого острого карандаша
Неизменно - моя! -
Истекала душа.
Вы же, мастер стиха,
Переводчик, поэт,
Вы, которому древний известен секрет.
У которого легкая, видно, рука,

Кезиб ўзга сўзлар оламин,
Чиқиб ўткир, доно қаламдан,
Қарамангиз ерга баланддан.

Сиз, таржимон,
Эй муҳтарам зот!
Шеърларимга бергувчи қанот!
Бир-бир йўниб тарашлагувчи,
Олам сари йўл бошлагувчи,
Бахш этгувчи янги бир ҳаёт!
Мана сизга, полапонларим,
Ҳар бири нақ бир жаҳонларим,
Танлаб олинг, - кераги сизга.
Қай бирини чертиб олсангиз, -
Эти сизга, сўяги бизга.

Илтимосим, уларга фақат
Бўлмагайсиз ортиқ бешафқат.
Соддалигин айб этиб кулманг,
Кўп ичида хижолат қилманг.
Тўғриланг-у юриш-туришин,
Ўзгартирманг туриш-турмушин.
Ўз феълига хослиги қолсин,
Ўз элига мослиги қолсин.
Тўғри сўзлик дарсин ўтган дам
Унутмасин қочиримни ҳам.
Мағрур қилган чоғида хитоб,
Йўқолмасин шарқона одоб.
Бўлсин демам тўнли, яктакли,
Бўлсин демам, дўппи, телпакли,
Бу кун ўзга вақт, ўзга одат,
Замонавий кийдилинг, фақат -
Фақат бўлсин ўзбек юракли.

Шеърларим, болажонларим,
Қора-қура полапонларим,
Йўлларингиз бўлсин чароғон,
Хайр энди, соғ бўлинг, омон!

Что стихи -

черенки одного языка -
незаметно к другому привет языку,
за строкою строку,
За строкою строку.
Вы, учитель птенца,

что птенца окрылит,

Что над миром летать ему вдруг повелит,
Знайте: эти птенцы мне не просто родня:
Каждый малый птенец -
Целый мир для меня.
Выбирайте, прошу вас, любой из миров:
Наш, допустим каркас,
Ваш, допустим, покров,
Что за счеты,

где древний известен секрет

Новой жизни строки,
Новой песни рассвет,
Где луна под шатром и стихи без конца.
Только просьбу учтите, учитель птенца:
Будьте этим птенцам по-отцовски добры.
Не лишайте - игривых - привычной игры,
Не зовите наивностью эту игру.
Не стыдите игривостью их на миру.
Выпрямляйте походку, ровняйте их стан.
Но газель есть газель,
А дастан есть дастан,
Да останется с ними им свойственный нрав:
Каждый прав только там,

где по-своему прав.

Постигая иной речевой оборот,
Пусть припомнят оружие восточных острот
И намеков...

Но в те же мгновенья и дня

Пусть учтивость восточную помнят они.
Впрочем, дело не в том, чтоб -узбекский халат,
Сапоги, тюбетейка и прочий наряд,
Дело, видно, не в этом,
И время не то -
Пусть гуляют в джинсах и в коротком пальто,
Поспевают за модой, бегут впереди -
Только б сердце узбекское билось в груди.
Ах, былички мои,
Небылички мои,
Ах, чумазые детушки - птички мои! -
Да светлы будут ваши дороги-пути:
- Посвети-ка нам, солнце!
Луна, посвети!

Перевод Н.Панченко.

II. ОФИЦИАЛЬНЫЕ, ПУБЛИЦИСТИЧЕСКИЕ, ГАЗЕТНО-ИНФОРМАЦИОННЫЕ, НАУЧНО-ПОПУЛЯРНЫЕ ТЕКСТЫ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Сенати Кенгашининг

ҚАРОРИ

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси ва "Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида белгиланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколат муддати 2006 йил май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари 2006 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси (бундан буён матнда Кенгаш комиссияси деб юритилади) таркиби ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар таркибига "Маҳалла" жамғармаси, "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси ва "Камолот" ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлинмалари вакилларини киритиш;

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларга фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун тузилган ишчи гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КЕНГАША СЕНАТА ОЛИЙ МАЖЛИСА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**О ВЫБОРАХ ПРЕДСЕДАТЕЛЕЙ (АКСАКАЛОВ) СХОДОВ ГРАЖДАН
И ИХ СОВЕТНИКОВ**

В связи с истечением срока полномочий председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников в мае-июне 2006 года, установленного статьей 105 Конституции Республики Узбекистан, статьей 20 Закона Республики Узбекистан "Об органах самоуправления граждан" и статьей 6 Закона Республики Узбекистан "О выборах председателя (аксакала) схода граждан и его советников" Кенгаш Сената Олий Мажлиса республики Узбекистан

ПОСТАНОВЛЯЕТ:

1. Жокаргы Кенесу Республики Каракалпакстан, областным, районным и городским Кенгашам народных депутатов обеспечить организацию и проведение в мае-июне 2006 года выборов председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников.


2. Утвердить состав Комиссии Кенгаша Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан по содействию организации и проведению выборов председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников (далее - Комиссия Кенгаша) и План мероприятий Кенгаша Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан по организации и проведению выборов председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников.

3. Жокаргы Кенесу Республики Каракалпакстан, областным, районным и городским Кенгашам народных депутатов создать комиссии по содействию организации и проведению выборов председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников.

4. Рекомендовать:

Жокаргы Кенесу Республики Каракалпакстан, областным, районным и городским Кенгашам народных депутатов включить в состав комиссий по содействию организации и проведению выборов председателей (аксакалов) и их советников представителей территориальных подразделений Фонда "Махалла", Фонда социальной поддержки ветеранов Узбекистана "Нуроний", Комитета женщин Узбекистана и общественного движения молодежи Узбекистана "Камолот";

комиссиям по содействию организации и проведению выборов председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников обеспечить координацию деятельности рабочих групп, созданных для организации и проведения выборов председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников;



Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасида фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайловолди тадбирларини ташкил этишда фаол катнашиш; оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишнинг бориши ва ўтказилишини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.

6. Кенгаш комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ва 2006 йил 15 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг раиси
И.Собиров.

Тошкент шаҳри, 2006 йил, 4 апрель.
"Халқ сўзи", 2006, 5 апрель.

ПАРТНЕРЫ МАЛОГО БИЗНЕСА

Проводимые в нашей республике экономические реформы по развитию и расширению деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства, в том числе фермерства, непосредственно связаны с деятельностью банков страны. Банки выступают не только как финансово-кредитные учреждения, а также как близкие партнеры и помощники бизнесу.

Банк "Асака" является одним из крупных инвестиционных банков республики. Современные качественные услуги оказывают 26 региональных филиалов, расположенных в крупных городах и районах республики. Разветвленная филиальная сеть банка дает возможность укреплению сильной позиции на региональном рынке банковских услуг и формированию здоровой конкурентной среды.

Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимам областей, районов и городов оказывать сходам граждан содействие в организации и проведении выборов председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников, в необходимых случаях обеспечивать их помещениями, транспортом и средствами связи;

Членам Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, избранным из числа депутатов представительных органов государственной власти, депутатам областных, районных и городских Кенгашей народных депутатов принимать активное участие в организации предвыборных мероприятий в своих избирательных округах;

Средствам массовой информации широко освещать ход организации и проведения выборов председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников.

5. Аппарату сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан организовать выезд сенаторов, работающих на постоянной основе в Сенате Олий Мажлиса Республики Узбекистан, на места для оказания практической помощи в организации и проведении выборов председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников.

6. Комиссии Кенгаша обобщить информацию о проведенных выборах председателей (аксакалов) сходов граждан и их советников и до 15 июля 2006 года информировать Кенгаш Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан об итогах выборов.

**Председатель Сената Олий Мажлиса
Республики Узбекистан И.Собиров.**

город Ташкент, 4 апреля 2006 г.

"Правда Востока", 2006, 5 апреля.

МИНИ БАНКЛАР - КИЧИК БИЗНЕС ҲАМКОРИ

Республикаміз иқтисодийетида олиб борилаётган ислохотлар, жумладан кишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтиришда мамлакатимиз банклари энг яқин ҳамкор ва кўмакдош ҳисобланади.

Жумладан бугунги кунда республикамізнинг йирик инвестиция банкларидан бири - "Асака" банки барча вилоятларда жойлашган 26 та филиалдан иборат тармоғи орқали сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Унинг кенг филиаллари тармоғининг фаолият юритиши ҳудудий банк бозорида кучли стратегик позицияни эгаллаш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга замин яратди.

Проводимая разумная региональная политика банка в области расширения сети филиалов, а также эффективное использование имеющихся возможностей позволяют расширить свою деятельность. Создание новых мини-банков и центров розничных банковских услуг приближает банк к хозяйствующим субъектам, в том числе представителям малого бизнеса и частного предпринимательства, а также дехканским и фермерским хозяйствам, расположенным в отдаленных местах, и оказывать им оперативные качественные банковские услуги. Надо отметить, что мини-банки оказывают населению и хозяйствующим субъектам весь спектр банковских услуг - безналичные переводы по счетам и кредитные операции, привлечение вкладов от физических лиц, прием коммунальных, налоговых и других платежей, международные денежные переводы, а также услуги по пластиковым карточкам.

В результате принятых мер только в 2005 году обеспечено функционирование новых 25 мини-банков и центров розничных банковских услуг.

В ходе выполнения решений правительства республики по углублению реформ в сельском хозяйстве, а также для поддержки фермерства расширяется банковская инфраструктура на селе. В частности, согласно постановлению Кабинета Министров от 5 января 2002 года №8 "О мерах по реорганизации сельскохозяйственных предприятий в фермерские хозяйства", банк "Асака" открыл мини-банк в Янгиерском районе Сырдарьинской области. Сегодня мини-банк "Янгиер" обслуживает 62 фермерских хозяйства.

В рамках исполнения постановления Кабинета Министров от 22 января 2003г. № 38-6 "О мерах по укреплению финансового состояния сельскохозяйственных предприятий" в Зарбдорском (Джизакская область) и Гулистанском (Сырдарьинская область) районах были открыты мини-банки, которые начали оказывать банковские услуги фермерам. Постоянно расширяется клиентская база посредством привлечения частных предпринимателей и других организаций. Сегодня в мини-банках "Зарбдор" и "Гулистан" обслуживают, соответственно 13 и 107 фермерских хозяйств.

Во исполнение постановления Кабинета Министров от 1 ноября 2004 г. №511 "О мерах по кардинальному совершенствованию механизма расчетов за пользование электрической энергией" открыты мини-банки в Карманинском районе Навоийской области, а также в Намангане и Джизаке. Это создало дополнительные удобства для населения по приему платежей за электроэнергию, природный газ и коммунальные услуги.

"Асака" банкнинг худудий ривожлантириш сиёсатининг самарадорлиги ҳамда ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши унинг фаоллигини таъминламоқда. Банкнинг мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари эса филиаллардан узоқда жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар: деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ҳамда йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг сифатли ва замонавий банк хизматларига бўлган талабларини қондирмоқда. Шунга айтиб ўтиш лозимки, бу турдаги кичик бўлинмаларда барча банк хизматлари: пул ўтказиш ва кредит бериш амалиётлари, аҳолидан омонатлар, коммунал, солиқ ва бошқа тўловларни қабул қилиш операциялари, халқаро пул ўтказмалари ҳамда пластик карточкалар бўйича хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

Банк томонидан ушбу йўналишда олиб борилган ишларнинг маҳсули сифатида 2005 йилнинг ўзида 2 та мини банк ва чакана банк хизматлари маркази очилиб, фаолият кўрсата бошлаганлигини айтиб ўтиш лозим.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматимизнинг қарорлари ижросини таъминлаш учун қишлоқ худудларида "Асака" банки инфратузилмалари кенгайтирилмоқда. Хусусан, 2002 йил 5 январдаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 8-сонли қарорига асосан, Сирдарё вилоятининг Янгиер туманида мини банк фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирда бу мини банк 62 та фермер хўжалигига барча банк хизматларини кўрсатмоқда.

2003 йил 22 январдаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 38-6-сонли қарори бўйича эса Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Сирдарё вилоятининг Гулистон туманларида ҳам мини банклар очилди. Мисол учун, "Зарбдор" минибанки 13 та, "Гулистон" мини банки 107 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатишдан ташқари хусусий тадбиркор ва бошқа ташкилотларни ҳам хизмат кўрсатишга жалб этиб, мижозлар базасини тобора кенгайтириб бормоқда 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 511-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Навоий вилоятининг Кармана тумани, Наманган ва Жиззах шаҳарларида мини банкларни ишга тушириш орқали электр ва иссиқлик энергияси, газ ва бошқа турдаги коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш юзасидан аҳолига қулайликлар яратилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 607-сонли қарори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юритишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини ривожлантириш ишларини кенгайтирди. Ушбу тадбирларнинг муваффақиятли олиб борилишини таъминлаш учун

После выхода в свет постановления правительства республики от 24 декабря 2004 года №607 "О мерах по ускорению развития фермерских хозяйств в 2005-2007 годах" в республике широко осуществлялась работа по ускоренному развитию фермерских хозяйств как основной формы организации и ведения сельскохозяйственного производства. В целях обеспечения успешного проведения её банк "Асака" открыл мини-банки в реорганизуемом ширкате "Маданият" в Бухарском районе и "Ирвадон" в Наманганском районе. Они оказывают весь спектр банковских услуг, в том числе кредитование нового урожая хлопка и зерна по вновь созданным фермерским хозяйствам данных районов.

В рамках обеспечения исполнения постановления Президента республики от 11 января 2006 года № ПП 255 "Об организационных мерах по реформированию фруктово-овощных и виноградоводческих отраслей" в целях оказания современных банковских услуг вновь созданным на базе сельскохозяйственных кооперативов (ширкатов), реорганизуемых в специализированные фруктово-овощные и виноградоводческие фермерские хозяйства, банк "Асака" в первом квартале этого года открыл мини-банки в ширкатах Андижанского, Наманганского, Янгйкурганского и Войсунского районов.

В целях обеспечения доступности к банковским услугам банк "Асака" придерживается принципов - приблизить свои филиалы к густонаселенным местностям, жилым кварталам, деловым и торговым центрам. Примером успешной деятельности могут служить мини-банки, открытые на Узумбазаре города Андижана, Кукбазаре и рынке "Халкобод" в Джизаке, Жaxonбазаре Наманганского района, Мармарбазаре в Самарканде, рынке "Аския" в Ташкенте, в торговом доме "Шахноза" в Джизаке, Ферганском городском торговом комплексе, торговых комплексах "Пойтахт" и "Бодомзор" в Ташкенте. Они предоставили максимальные удобства пользования банковскими услугами не только населению, но и частным предпринимателям.

Открытие мини-банков на базе крупных корпоративных клиентов банка, таких, как АО "Каракалпак йул таъмирлов", СП "Турткултекс" и "Верунитекс" (Республика Каракалпакстан), ЗАО "УзДЭУавто" (Андижанская область), ГРУ "Самгеология" (Самаркандская область), СП "Сурхантекс" (Сурхандарьинская область), АО "Автотеххизмат-Ф" и ООО "Соли-текс" (Ферганская область), АО "Хоразмавтотеххизмат" и СП "Боготтекстиль" (Хорезмская область), СП "Яккабогтекс" и ДП "Камаша тола" (Кашкадарьинская область), структурных подразделений АО "Автотеххизмат", Ассоциации банков Узбекистана и других укрепляет взаимное сотрудничество, позволяет оказывать оперативные и необходимые им услуги.

Бухоро туманида қайта ташкил этилаётган "Маданият" ширкат хўжалиги ва Наманган туманидаги "Ирвадон" қишлоқ фуқаролар йиғини қошида "Асака" банкининг мини банклари ташкил этилди. "Маданият" ва "Ирвадон" мини банклари худудларда янгидан тузилаётган фермер хўжаликларига барча турдаги банк хизматлари, жумладан пахта ва ғалланинг бўлгуси ҳосилини кредитлаш бўйича фаол ишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чоратadbирлар тўғрисида"ги ПҚ-255-сонли қарори ижросини таъминлаш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасига ихтисослаштирилган Охунбобоев номли ширкат хўжалиги (Андижон тумани), "Шербулоқ" ширкат хўжалиги (Наманган тумани), "Кўкёр" ширкат хўжалиги (Янгиқурғон тумани), "Работ" ширкат хўжалиги (Бойсун тумани) негизда ташкил этилаётган фермер хўжаликларига замонавий банк хизматларини кўрсатиш бўйича қулайликлар яратиш мақсадида эса мини банклар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу мини банклар янги фермер хўжаликлари ишини йўлга қўйишда уларга иқтисодий маслаҳат хизматларини кўрсатиш билан кўмаклашмоқда.

"Асака" банки аҳолига молиявий хизматлардан фойдаланишда янада қулайликлар яратиш мақсадида ўз мини банкларини аҳоли турар жойларида, аҳоли гавжум худудларда, савдо ва ишбилармонлик марказларида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, Андижон шаҳрининг "Узумбозор", Жиззах шаҳрининг "Кукбозор" ва "Халқобод" универсал бозори, Наманган туманининг "Жаҳон" бозори, Самарқанд шаҳридаги "Мармар" бозори, Тошкент шаҳридаги "Аския" бозори худудларида мини банклар очилди. Шу билан бирга, Жиззах шаҳридаги "Шахноза" савдо уйи, Фарғона шаҳар савдо мажмуаси, Тошкент шаҳридаги "Пойтахт" ва "Бодомзор" савдо мажмуаларида мини банкларнинг ташкил этилиши нафақат аҳолига қулайлиқлар тугдирди, балки хусусий тадбиркорларга ҳам хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.

Банкнинг йирик мижозлари қошида мини банклар ташкил этиш орқали улар билан янада яқинроқ ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Хусусан, "Қорақалпоқ йўл таъмирлов" АЖ, "Тўрткўлтекс" ва "Берунийтекс" (Қорақалпоғистон Республикаси) кўшма корхоналари, "ЁздЭУавто" ЁАЖ (Андижон вилояти), "Самгеология" ТКБ (Самарқанд шаҳри), "Сурхонтекс" ХК (Сурхондарё вилояти), "Автотеххизмат-Ф" АЖ ва "Соли-текс" МЧЖ (Фарғона вилояти), "Хоразмавтотеххизмат" АЖ ва Боготтекстиль" ХК (Хоразм вилояти), "Яккабоғ-текс" ХК ва "Қамаши тола" ШК (Қашқадарё вилояти), "Автотеххизмат" АЖ, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, "Узмарказимпекс" ДАТК (Тошкент шаҳри) ва бошқа корпоратив мижозлар қошида ташкил этилган мини банклар уларга тезкор ва зарур банк хизматларини кўрсатиш билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда "Асака" банкида 6 та мини банк ва 10 та чакана банк хизматлари маркази самарали фаолият кўрсатмоқда.

Следует отметить, что в настоящее время в банке "Асака" успешно функционирует 64 мини-банка и 10 центров розничных банковских услуг.

Функционирующие мини-банки сегодня обслуживают 13,2 процента общего количество клиентов банка и обеспечивают получение 11 процентов прибыли банка. На основе мини-банков, сформировавших достаточную клиентскую и ресурсную базу, банк создает новые филиалы. Эффективно функционируют филиалы, созданные на базе мини-банков "Афросиаб" (г.Самарканд) и "Давлатобод" (Наманганский район), на стадии открытия Бухарский городской филиал.

Банк "Асака" и в дальнейшем продолжит работу в этом направлении в целях поддержки, увеличения доли и значения частного сектора в экономике республики.

Пресс-служба банка "Асака".
"Правда Востока", 2006, 4 апреля.

ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА АНТИТЕРРОРИСТИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ

29 марта в Ташкенте состоялось шестое заседание Совета Региональной антитеррористической структуры Шанхайской организации сотрудничества (РАТС ШОС).

Представители Казахстана, Китая, Кыргызстана, России, Таджикистана и Узбекистана рассмотрели вопросы, связанные с исполнением решений предыдущего заседания Совета, состоявшегося в Ташкенте в сентябре прошлого года. Принят ряд решений по текущей деятельности РАТС, в том числе по вопросам организационно-кадрового характера и финансового обеспечения деятельности ее Исполнительного комитета.

На заседании были одобрены проект доклада Совету глав государств-членов ШОС о деятельности РАТС в 2005 году и проект "Программы сотрудничества государств-членов Шанхайской организации сотрудничества в борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом на 2007-2009годы". Члены Совета РАТС обсудили итоги совместного антитеррористического учения государств-членов ШОС "Восток - антитеррор-2006", прошедшего в марте нынешнего года на территории Узбекистана. Принято решение о проведении во второй половине года совместного антитеррористического учения компетентных органов государств-членов ШОС на территории КНР. Поддержано также предложение китайской стороны о проведении в рамках ШОС симпозиума по противодействию незаконному обороту наркотиков, связанному с финансированием терроризма.

Фаолият кўрсатаётган мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари банк миждозларининг 13,2 фоизига хизмат кўрсатмоқда ва банк фойдасининг 11,0 фоизини шакллантирмоқда.

"Асака" банки томонидан ташкил этилган мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари тажрибасида шу нарса аҳамиятга моликки, етарли даражада миждозлар базаси ва ресурслари шакллантириш мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари негизида банкнинг алоҳида филиалларини ташкил этиш амалиёти кузатилмоқда. "Афросиёб" (Самарқанд шаҳри) ва "Давлатобод" (Наманган тумани) филиаллари ҳамда очилиш арафасида бўлган Бухоро шаҳар филиали шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, "Асака" банки хусусий секторнинг республика иқтисодиётидаги улуши ва аҳамиятини ошириш, қишлоқ хўжалигида молиявий барқарор фермерлик тармоғини шакллантиришни қўллаб-қувватлаш борасида бундан буён ҳам ўз ишларини изчил давом эттираверади.

"Асака" банки матбуот хизмати.

"Халқ сузи", 2006 йил, 6 апрель.

АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМА КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

29 март куни Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Кенгашининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари Кенгашнинг бултур Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси Қарорларининг бажарилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдилар. МАТТнинг бугунги кундаги фаолияти, жумладан, унинг ижроия қўмитаси фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда ташкилий-кадрлар билан боғлиқ масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши МАТТнинг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузасининг лойиҳаси ҳамда "2007-2009 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлик бўйича Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳамкорлик дастури" лойиҳасини маъқуллади. МАТТ Кенгаши аъзолари жорий йил март ойида Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган ШХТга аъзо давлатларнинг "Шарқ-антитеррор - 2006" қўшма аксилтеррор Машқлари яқунларини муҳокама этдилар. Шу йил иккинчи ярмида ШХТга аъзо давлатлар ваколатли идораларнинг қўшма аксилтеррор Машқларини ХХР ҳудудида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, Хитой томонининг терроризмни молиялаштириш билан боғланган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айлланишига қарши ҳаракат қилиш бўйича ШХТ доирасида симпозиум ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Совет поручил Исполкому РАТС подготовить проект меморандума между Региональной антитеррористической структурой ШОС и Контртеррористическим комитетом Совета Безопасности ООН.

Достигнута договоренность о проведении очередного заседания Совета РАТС в сентябре 2006 года в Ташкенте.

Выступая по итогам работы заседания, председатель Совета РАТС Мэн Хун вэй отметил его высокую результативность, подчеркнул растущую роль Региональной антитеррористической структуры в укреплении региональной безопасности, в организации практического сотрудничества правоохранительных органов и спецслужб государств-членов ШОС.

Олег ШАТУНОВСКИЙ.

ИА "Жахон".

"Народное слово", 2006, 31 марта.

ДЕМОКРАТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ И ИХ РАЗВИТИЕ

В Самарканде завершилась международная встреча за "круглым столом" на тему "Состояние и перспективы развития демократических институтов и процессов: опыт Узбекистана и России".

Эта встреча известных политологов, экспертов, руководителей общественных организаций и представителей СМИ была организована Фондом региональной политики (Узбекистан) и Фондом эффективной политики (Россия).

В течение двух дней ее участники обсудили ряд актуальных вопросов, касающихся формирования гражданского общества, углубления демократических, общественно-политических и экономических реформ.

Отмечалось, что процесс развития демократии заключается в эффективном сотрудничестве государства и гражданского общества, объединенных единой целью, но выполняющих свои функции. В Узбекистане, выбравшем собственный путь развития на основании определенных Президентом Исламом Каримовым принципов, накоплен большой опыт в строительстве гражданского общества. Сформированы общественные институты, которые активно помогают государственным структурам в реализации реформ во всех сферах жизни. Налаживание такого взаимодействия актуально и для России.

Кенгаш ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг аксилтеррор қўмитаси ўртасидаги меморандум лойиҳасини тайёрлаш вазифасини МАТТ Ижроия қўмитасига топширди.

МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2006 йил сентябрь ойида Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

МАТТ Кенгаши раиси Мэн Хунвэй мажлис ишининг якуёлари юзасидан сўзлар экан, унинг юксак самарадорлигини қайд этган ҳолда минтақавий хавфсизликни мустақкамлашда; ШХТга аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари амалий ҳамкорлигини йўлга қўйишда Минтақавий аксилтеррор тузилманинг аҳамияти ўсиб бораётганини таъкидлади.

Олег Шатуновский.

"Жаҳон" АА.

"Халқ сўзи", 2006, 31 март.

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖИ

Самарқандда "Демократик институтлар ва жараёнларни ривожлантириш аҳволи ва истиқболлари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси" мавзудаги халқаро давра суҳбати ниҳоясига етди. Таниқли сиёсатшунослар, экспертлар, жамоат ташкилотлари раҳбарлар ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг мазкур учрашуви Минтақавий сиёсат жамғармаси (Ўзбекистон) ва Самарали сиёсат жамғармаси (Россия) томонидан ташкил этилди.

Икки кун давомида ушбу тадбир иштирокчилари фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қатор масалаларни муҳокама қилдилар.

Таъкидландики, демократияни ривожлантириш жараёни ягона мақсад атрофида бирлашган, айна пайтда ҳар бири ўз вазифаларини бажарадиган ҳамкорликдан иборат. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган тамойиллар асосида ўз ривожланиш йўлини танлаган фуқаролик жамиятини қуриш борасида катта тажрибага эга. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларда ислоҳотларни амалга оширишга давлат тузилмаларига фаол қўмаклашаётган жамоат институтлари ташкил этилди. Бундай ўзаро ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш Россия учун ҳам жуда долзарб масалалар.

Сейчас огромное значение приобретает духовное, нравственное воспитание, в первую очередь молодого поколения, на основе национальных и общечеловеческих ценностей. Как подчеркнул в своем выступлении руководитель Международного фонда Имама ал-Бухари З. Мунавваров, принятые в Узбекистане меры по возрождению духовного наследия нашего народа, имен великих предков создают у молодежи духовно-идеологический иммунитет, являются мощным фактором противодействия различным вредным течениям.

Демократию нельзя привнести извне, каждое государство имеет право выбирать свой путь ее строительства, подчеркнул главный редактор еженедельника "Московские новости" и журнала "Новый политический класс" В. Третьяков.

Россия высоко оценивает политику Узбекистана, направленную на сохранение мира и стабильности в Центральной Азии, сказал президент российского Фонда эффективной политики Г. Павловский. Новые инициативы Президента Ислама Каримова по укреплению политической системы в стране - еще один шаг по пути демократии, ведущий к сохранению в обществе гражданского согласия. Продолжающееся строительство устойчивых общественных институтов является уникальным опытом, который может быть применим не только в других государствах региона, но и на других континентах.

Составной частью формирования гражданского общества в Узбекистане является защита прав граждан, обеспечение общественного контроля за исполнением законов, соблюдением демократических норм. Общественные организации имеют большие внутренние резервы, ресурсы и механизмы, потенциал которых необходимо шире использовать в демократическом строительстве. Об этом говорили Уполномоченный Олий Мажлиса по правам человека (Омбудсман) С. Рашидова, исполняющий обязанности директора Института стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан Б. Худойбердыев, другие выступавшие.

Участники встречи были единодушны во мнении, что развитие демократических институтов - процесс длительный, нуждающийся в постоянном изучении и совершенствовании. И в Узбекистане, и в России он имеет большие перспективы.

**Анна ИВАНОВА,
Акбар КАРШИЕВ,
спецкорр. УзА.**

"Народное слово", 2006, 16 ноября.

Ҳозирги вақтда аҳолини, айниқса ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий ҳамда маърифий тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раҳбари З.Мунавваров Ўзбекистонда халқимизнинг маънавий мероси, буюк аجدодларимиз номларини қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ёшларда маънавий-мафкуравий иммунитетни шакллантиришда, уларни турли хил зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишда кучли омил бўлаётганини таъкидлади.

"Московские новости" ҳафталиги ва "Новый политический класс" журнали бош муҳаррири В.Третьяков демократияни четдан олиб келиб жорий этиб бўлмаслигини ва ҳар бир давлат уни қуриш учун ўз йўлини танлаш ҳуқуқига эга эканини қайд этди.

Россия Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган сиёсатини юксак баҳолайди, - деди Самарали сиёсат жамғармаси президенти Г.Павловский. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистонда сиёсий тизимни такомиллаштириш борасидаги янги ташаббуслари жамиятда фуқаролар тотувлигини мустақамлашга хизмат қиладиган демократия йўлидаги яна бир қадамдир. Барқарор жамоат институтларини барпо этишга қаратилган ишлар ноёб тажриба бўлиб, уни нафақат мазкур минтақа давлатларида, балки бошқа қитъаларда ҳам қўлласа бўлади.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонуңлар ижроси бўйича жамоат назоратини таъминлаш, демократик меъёрларга риоя этиш Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Жамоат ташкилотлари катта ички заҳира, ресурс ва механизмларга эга бўлиб, улардан демократик қурилишда янада кенг фойдаланиш зарур. Тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори вазифасини бажарувчи Б.Худойбердиев ва бошқалар шу ҳақида гапирди.

Халқаро учрашув иштирокчилари демократик институтларни ривожлантириш - доимий ўрганиш ва такомиллаштиришни талаб этадиган узоқ жараён эканлигини алоҳида таъкидладилар. Бу жараён Ўзбекистонда ҳам, Россияда ҳам катта истиқболга эга.

А.Иванова.

А.Қаршиев,

ЎзА. Махсус мухбирлари.

"Халқ сўзи", 2006, 16 ноябрь.

МАРКАЗНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Пойтахтимизда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Унинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-лейтенант Б.Матлюбов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни, жумладан, вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Вояга етмаганлар ўртасида қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасидаги ишларни ўзига хос мувофиқлаштирувчи ҳисобланган ушбу марказ илгари мослашган бинода жойлашган эди. Ҳозирги бино таъмирдан чиқарилиб, замонавий мебель, спорт инвентарлари билан жиҳозланди. Икки юз ўринга мўлжалланган марказда уч ёшдан 18 ёшгача бўлган қаровсиз қолган болалар ота-онаси, қариндошлари ва яшаш жойи аниқлангунга қадар, 30 кунгача яшаб туриши мумкин.

Марказга ҳомий ташкилотлар томонидан "Дамас" автомобили топширилди. Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Ҳолмурод Салимов, ЎЗА мухбири.
